



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

2020 йил “ 4 ” сентябрь № 465

Тошкент ш.

**Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламларини яратишни ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 466-сон қарорига мувофиқ профессионал таълим муассасаларида ўқитиш материаллари тўпламини яратишни ташкил этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар 1-иловага, ўқитиш материаллари тўпламининг яратилиши масалаларини мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Ўқитиш материаллари тўпламининг яратилиши масалаларини мувофиқлаштирувчи гуруҳи (З.Худайбердиев)га:**

**бир ой муддатда** ўқитиш материаллари тўпламини яратиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалар (кейинги ўринларда Ҳудудий бошқармалар деб аталади) методистлари, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари иштирокида соҳалар (тайёрлов йуналишлари) кесимида онлайн тренинглари ташкил этиш;

ўқитиш материаллари тўпламини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича ҳудудий бошқармалар ҳамда профессионал таълим муассасаларига методик ёрдамлар кўрсатишни таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар томонидан экспертизадан ўтказилган ўқитиш материаллари тўпламини босқичма-босқич Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими

бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг (кейинги ўринларда Институт деб аталади) Ўқув-методик бирлашмалари муҳокамасидан ўтказиш;

профессионал таълимнинг барча босқичлари учун соҳалар ва фанлар кесимида ўқитиш материаллари тўпламининг ягона электрон базасини шакллантириб бориш;

яратилган ўқитиш материаллари тўплами edu.profedu.uz таълим порталига жойлаштириб бориш;

ўқитиш материаллари тўпламини ишлаб чиқиш ишларини назоратга олган ва ҳужжатлар тўпламини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаган раҳбар ва педагог кадрларни рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

**бир ой муддатда** амалдаги таълим жараёнини тартибга солувчи ўқув режалаштириш ҳужжатларини таҳлил қилиш, амалдаги меъёрий ҳужжатларга зид бўлган ўқув режалаштириш ҳужжатларини бекор қилиш бўйича таклиф киритиш вазифалари юклатилсин.

**3. Худудий бошқармалар бошлиқлари, тизимида техникумлари мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорларига:**

**ўн кун муддатда** профессионал таълим муассасалари томонидан яратилган ўқитиш материаллари тўпламини соҳалар кесимида экспертизадан ўтказиш юзасидан экспертлар гуруҳини ташкил этиш;

экспертизадан ўтказилган ўқитиш материаллари тўпламини **етти иш куни** давомида Институтнинг Ўқув-методик бирлашмалари муҳокамасига киритиб боришни таъминлаш;

кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган касб ва мутахассисликлари бўйича ўқитиш материаллари тўплами билан таъминланганлик ҳолатини мониторинг қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

**4. Профессионал таълим муассасалари директорларига:**

профессионал таълим муассасаларида касб ва мутахассисликлар бўйича намунавий ўқув режадаги фанлар бўйича ўқитиш материаллари тўпламини яратиш бўйича тажрибали педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан иборат ижодий гуруҳлар ташкил этиш;

мазкур буйруқнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган тавсиялар асосида ўқитиш материаллари тўпламини ишлаб чиқиш бўйича ижодий гуруҳлар аъзоларига вазифаларни ўз вақтида сифатли бажаришлари учун зарур шароит яратиш;

яратилган ўқитиш материаллари тўпламини худудий бошқармаларда ташкил этилган экспертлар гуруҳларига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

**5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим муассасаларида умумқасбий ва махсус фанлар ҳамда амалиёт дастурлари асосида ўқитиш

материаллари тўпламини яратиш ва тажриба синов шаклида таълим жараёнига жорий этиш йўлга қўйилсин;

ўқитиш материаллари тўплами тўлиқ, сифатли ва ўз муддатида тайёрланиши ҳамда Институтда ташкил этилган Ўқув-методик бирлашмалари муҳокамаларига киритишга ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳамда профессионал таълим муассасалари директорлари шахсан масъул ҳисобланади.

6. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2015 йил 8 сентябрдаги “Ўқув-методик мажмуаларни яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 283-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ў.Саломов ва вазир ўринбосари М.Холмухамедовлар зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳорат таълим вазириликнинг  
2024 йил 13.09 даги 465 сонли  
буғруғига 1-илова

## **Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламини ишлаб чиқиш буйича тавсиялар**

### **1. Умумий қоидалар**

Ушбу тавсиялар профессионал таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанларнинг ўқитиш – материаллари тўпламини (кейинги ўринларда тўплам деб юритилади) яратиш ва расмийлаштиришдаги умумий талабларни ёритиб беради.

Тўплам ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш ва ўқитиш натижаларига эришиш механизмини таъминлайди. Фанни ўқитишда зарур бўлган барча ўқитиш компонентларини ўз ичига олади ва ўқув фанни ўқитишнинг аниқ услубий тартибини тавсия этади.

**Тўпламнинг мақсади** - йўналишлар бўйича таълим стандартлари ва фан дастурларида белгиланган ҳамда ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш.

#### **Тўпламнинг вазифаси:**

ўқув фанининг ривожланиш тараққиёти ва мазмунини тизимлаштириш, ўқитиш сифатини ошириш;

ишчи ўқув режадаги фанларни услубий таъминланишини яхшилаш;

ўқув жараёнини ўқув услубий ва ўқув материаллари билан бойитиш;

таълим олувчининг ўқув материални ўзлаштиришида услубий ёрдам кўрсатиш;

ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш.

### **2. Ўқитиш материаллари тўпламининг таркиби:**

Ўқитиш материаллари тўплами қоидага кўра қуйидагилардан иборат бўлади.

Тақвим-мавзулар режаси;

Фаннинг таълим технологияси;

Мавзулар тўплами;

Баҳолаш воситалари;

Визуал-дидактик ресурслар.

#### **2.1. Тақвим-мавзулар режаси**

Фаннинг ишчи ўқув дастури фан ёки модул дастури асосида тақвим мавзулар режаси тузилади.

Тақвим мавзулар режаси ўқув дастурда берилган мавзулар рақами кетма-кетлиги асосида қуйидаги жадвалда шакллантирилади:

№	Мавзу номи	Жами	Ўқитишнинг ташкилий шакли	Мустақил таълим	Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш	сана
1						
2						
3						

## 2.2. Фаннинг таълим технологияси

Фаннинг таълим технологияси ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади. Унинг мазмуни ва тузилиши:

- кириш қисми;
- назарий ва амалий машғулотларнинг лойиҳалаштирилган ва режалаштирилган технологиясидан иборат.

Кириш қисмида таълимни технологиялаштиришнинг долзарблиги асосланиб, ўқув фани бўйича таълим технологиясининг тузилиши баён этилади, назарий ва амалий машғулотларни лойиҳалаштиришнинг қисқа тавсифлари берилди. Назарий ва амалий машғулотларнинг ўқитиш технологияси:

- ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели;
- ўқув машғулотининг технологик харитаси;
- технологик хаританинг иловаларидан иборат.

Ўқув машғулотининг технологик харитасини тузилиши ўқув машғулотининг шакли ва туридан келиб чиқиб расмийлаштирилади. Фан ёки модул таълим технологиясининг намунаси 1.1-иловада берилган.

## 2.3. Мавзулар тўплами

Мавзулар тўпламида тақвим-мавзулар режасида келтирилган назарий ва амалий машғулотларнинг мавзу матнлари ёритилади. Мавзулар тўпланининг таркиби қуйидагилардан иборат:

- 1.2-иловадаги намуна асосида мавзулар тўпланининг титул варағи
- мундарижа
- кириш (фаннинг долзарблиги, аҳамияти, мақсади ва вазифалари ёритилади)
- мавзу номи
- мавзу режаси (фаннинг таълим технологиясини ўқитиш моделида ўқув машғулот режаси келтирилган)

-мавзу баёни назарий машғулот учун матн ёзилади, амалий машғулотларнинг мавзу баёнида мавзунинг қисқача ахборот материали, амалий машғулот учун зарур жиҳозлар ва йўриқли технологик харита шакллантирилади (1.3-илова). Ўқув амалиётида йўриқли технологик хариталар ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар кетма-кетлиги, амалий машғулот жараёни, бажариладиган ишлар мазмуни, асбоб-ускуналар, хом-ашё ҳамда бажариладиган ишларнинг кўриниши акс эттирилади.

- ҳар бир мавзу юзасидан тест, саволлар, топшириқлар ва бошқалар

-фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари (мавзулар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтларининг рўйхати шакллантирилади).

#### **2.4. Баҳолаш воситалари**

Баҳолаш воситалари фаннинг таълим технологиясида келтирилган ва ҳар бир мавзу матнида қайд этилган ўрганиш натижалари асосида эгалланган билим, кўникма ва компетенцияларни шаклланганлигини аниқлаш юзасидан баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари ишлаб чиқилади.

#### **2.5. Визуал-дидактик ресурслар**

Визуал-дидактик ресурсларига фан дастурида келтирилган мавзуларни кўргазмали материаллар билан бойитишга қаратилган тарқатма материаллар, машқлар, топшириқлар, жадваллар, слайдлар тўплами, видеороликлар, видеофильмлар, плакатлар тўплами, тренажёрлар, аудио слайдлар, электрон дидактик материаллар ва бошқалар.

### **3. Тўпламни расмийлаштириш ва тасдиқлаш тартиби**

Кафедра ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан тўплам ишлаб чиқилади.

Тўплам лойиҳаси кафедра йиғилишида кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади.

Кафедра йиғилишида таҳрирдан ўтказилган ҳамда муҳокама қилинган фанлар ёки модуллар бўйича ўқитиш материаллари тўплами фан кафедраларида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва хулоса берилади. Берилган хулоса асосида профессионал таълим муассасасининг Педагогик Кенгашига тавсия қилинади. Таълим муассасасининг Педагогик Кенгашида маъқулланган ўқитиш материаллари тўплами директор томонидан тасдиқланади.

4. Ўқитиш материаллари тўпламининг электрон варианты ахборот кутубхонада, Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарида, электрон ва қоғоз нусхаси кафедрада, асл нусхаси ўқитувчида сақланади.

5. Фан кафедраларида такомиллаштириб боришни назорат қилиб боровчи ишчи гуруҳ ташкил этилади. Ишчи гуруҳ фан ёки модул бўйича ўқитиш материаллари тўплами ҳар ўқув йилида бир маротаба кўриб чиқилишини таъминлайди. Тақвим мавзулар режаси ҳар ўқув йилида мажбурий тартибда қайта кўриб чиқилади. Таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгаришлар бўлганда ўқитиш материаллари тўпламининг ўзгарган қисми ва уларнинг баъзи қисмларини янги ахборот материаллари билан янгилаб борилади. Ўқитиш материаллари тўпламига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, янги ахборотлар алоҳида жадвалда қайд қилиб борилади ва нусхаси тўпламга қўшиб қўйилади (1.1-илова).

6. Тўпламни расмийлаштириш учун титул варақда таълим муассасасининг номи, тайёрлов йўналиши, касб ёки мутахассислик номи, фаннинг номи, ким томонидан ва қачон тасдиқланганлиги, ўқитувчининг исми, шарифи яратилган вақти кўрсатилади (1.5-илова).

7. Тўплам муаллифи тўғрисидаги маълумотда ўқитувчининг Ф.И.Ш., маълумоти, мутахассислиги, педагогик иш стажи, иш жойи, электрон почта манзили, телефон рақами кўрсатилади (1.6-илова).

8. Тўпламни тайёрлашда намунавий “Асаричилик фанидан (амалий машғулотлар учун)”, “Токарлик станокларида металлларга ишлов бериш фанидан (назарий машғулотлар учун)” кўриниши (дизайн) каби бўлиши тавсия этилади (1.7-илова).

9. Тўплам матни икки хил шаклда такдим этилади:

- А4 коғоз форматида;
- MS Word дастурида электрон нусхада.

Тўпламнинг матни MS Word дастурида, Times New Roman 14 шрифтида, 1 интервалда, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см юқоридан 2 см, пастдан 2 см жой қолдирилган ҳолатда ёзилади. Тўпламнинг таркибий қисмларининг мавзуси бош харфларда Times New Roman 16 шрифт катталигида ёзилади (1.8-илова).

Тўпламнинг таркиби қуйидаги 8 та иловада келтирилган.

## Назарий ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси

Мавзу (номи) \_\_\_\_\_

### Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

Вақт: 80 дақиқа	Таълим олувчилар сони
<i>Ўқув машғулоти шакли ва тури</i>	
<i>Ўқув машғулоти режаси</i>	1. ... 2. ... 3. ... 4. ...
Ўқув машғулотининг мақсади:..... тўғрисидаги билим (кўникма)ларни шакллантириш (мустаҳкамлаш).	
<i>Ўқитиш натижаси</i>	Ушбу мавзунини ўзлаштириш натижасида ўқувчида шаклланадиган асосий билим, кўникма ёки компетенциялар.
<i>Педагогик вазифалар</i> 1..... билан таништириш. 2..... таснифини бериш; 3..... тушунтириш; 4..... очиб бериш ва бошқ.	<i>Ўқув фаолият натижалари;</i> 1..... кўрсатадилар. 2..... таснифлайдилар, 3..... айтиб берадилар, 4..... тартибли равишда изоҳлаб берадилар.
<i>Ўқитиш методлари</i>	Кичик ахборотли/ маъруза/ ҳикоя/ тушунтириш/ кўрсатма бериш/ намойиш. Кўрсатиш/ видео усул/ китоб билан ишлаш/ инсерт/ машқ/ суҳбат/ баҳс/ ақлий ҳужум таълимий ўйин/ пинборд ва бошқалар (қуйидагилардан мақсадга кўра танлаб олинади).
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Матнлар, ёзув тахтаси, слайдлар, проектор, компьютер, диапроектор, флипчарт, видеофильм графикли организаторлар, модель, муляжлар, чизма, графиклар, диаграммалар, намуналар, эксперт варағи, йўриқнома, электрон йўриқнома.
<i>Ўқув фаолиятининг ташкил этиш шакли</i>	Оммавий, жамоавий, гуруҳли, жуфтликда, якка тартибда
<i>Ўқитиш шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган гуруҳларда ишлашга мўлжалланган хона
<i>Қайта алоқанинг усули ва воситалари</i>	Тезкор-сўров, савол-жавоб, тест, мисол ва машқлар, бажарилган ўқув топшириқларни баҳолаш



## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Таълим олувчи
1-Ўқув машғулотига кириш (5дақ.)	Ташкилий қисм: 1. Ўқувчиларни машғулотга тайёргарлиги ва давоматини текширади	Машғулотга тайёрланадилар
2-босқич. Асосий (65дақ.)	<p>Таянч билимларни фаоллаштириш:</p> <p>1. Уйга берилган вазифани назорат қилади ҳамда ўтилган мавзу бўйича ўқувчиларга саволлар беради, уларни баҳолайди.</p> <p>Мақсад ва вазифани белгиланиши:</p> <p>2. Машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва ўқитиш натижалар билан таништиради.</p> <p>3. Мустақил ишлаш учун адабиётлар билан таништиради;</p> <p>4. Ўқув машғулотида ўқув ишларни баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари билан таништиради (-илова).</p> <p><i>Таълим олувчилар билимини фаоллаштириш:</i></p> <p>5. Тезкор - сўров, савол - жавоб, ақлий хужум, пинборд, “ўйланг ва жуфтликда фикр алмашинг”, ва бошқа техникалар орқали билимларни фаоллаштиради.</p> <p>Янги ўқув материал баёни:</p> <p>6. Назарий машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ, ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади. Асосий ҳолатларни ёздиради;</p> <p>7. Слайдларни Power Point тартибда намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади (-илова).</p> <p>Янги ўқув материални мустаҳкамлаш:</p> <p>8. Мустаҳкамлаш учун саволлар беради (-илова). Жараён кичик гуруҳларда давом этишини маълум қилади;</p> <p>9. Кичик гуруҳларга бўлади, кичик гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (-илова) ҳар бир гуруҳга топшириқ беради (-илова) ва баҳолаш мезони билан таништиради (-илова). Ишни бажариш йўриқномасини беради (-илова);</p> <p>10. Гуруҳларда ишларни бошлашга рухсат беради. Ҳар бир кичик гуруҳ иштирокчиси вазифани бажариш тартибини тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.</p> <p>Бажариш жараёнини кузатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>11. Ишга ажратилган вақт тугаганини маълум қилади, гуруҳлар тақдимотини ташкил этади.</p> <p>Гуруҳ аъзоларига диққат билан эшитишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро</p>	<p>Уй вазифасини тақдим этадилар. Саволларга жавоб берадилар. Мавзу номи ва режасини ёзиб оладилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Диққат қиладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Топширикни бажарадилар.</p> <p>Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p> <p>Кичик гуруҳда ишлаш қоидаси билан танишадилар.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ ўз топширик варақлари бўйича фаолиятини бошлайди.</p> <p>Ҳар бир гуруҳ сардорлари чиқиб ўз ишларини тақдим қилишларини айтади.</p> <p>Берилган кўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Гуруҳ иш натижаларини ўзаро баҳолайдилар.</p> <p>Маълумотларни дафтарга кайд қиладилар.</p>

	<p>бир-бирларини баҳолашларини эслатади. Жавобларни тўлдиради ва қисқача хулосалар қилади;</p> <p><b>12.</b> Гуруҳлар ишини ўзаро баҳолашни ўтказиши, мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади, энг асосийларига эътибор қаратади, берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади. Мавзунинг касбий фаолиятларидаги аҳамияти билан боғлаб мавзунини яқинлайди.</p>	
<p>3-босқич Яқуний (10 дақ.)</p>	<p>Машғулот яқуни:</p> <p>1. Фаол иштирок этган ўқувчиларни жавобларини изоҳлаб баҳолайди ва рағбатлантиради.</p> <p>Уйга вазифани берилиши:</p> <p>2. Келгуси машғулотга вазифа ва уни бажариш юзасидан йўриқнома беради (-илова).</p>	<p>Баҳолари билан танишадилар.</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

## Ўқув амалиёт машғулотининг ўқитиш технологияси

Мавзу (номи) \_\_\_\_\_

### Ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели

Вақт: ..... соат	Таълим олувчилар сони: _____ нафар
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	Амалий: ўқув амалиёти
Ўқув машғулоти режаси, / тузилиши	1. 2. 3. 4.
Ўқув машғулоти мақсади: ...бўйича назарий билимлари тўғрисида маълумот бериш ва уларда мавзу мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш	
Ўқитиш натижаси	Ушбу мавзунинг ўзлаштириш натижасида ўқувчида шаклланидиган билим, кўникма ёки компетенция
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>1.... билан таништириш;</p> <p>2. ...тушунтириш;</p> <p>3.....кўрсатиш;</p> <p>5....йўриқнома бериш;</p> <p>6...ёритиб бериш;</p> <p>7.....йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш.</p>	<p><i>Ўқув фаолият натижалари:</i></p> <p>1.....айтиб беради;</p> <p>2.... .....гапириб беради;</p> <p>3.....такрорлаб кўрсатади;</p> <p>4... машқларни йўриқнома асосида бажаради;</p> <p>5.....мустақил бажарадилар;</p> <p>6..... хатолар устида ишлайдилар.</p>
Ўқитиш усуллари.	Тушунтириш, кўрсатиш, йўриқнома бериш, машқ ва бошқалар
Ўқитиш воситалари.	Йўриқли технологик харита, керакли жиҳоз ва асбоблар, кўргазмали қуроллар, проектор, кодоскоп, стендлар, слайдлар, плакатлар ва бошқалар
Ўқув фаолиятининг ташкил этиш шакли.	Оммавий, жамоавий, гуруҳли, жуфтликда, яқка тартибда.
Ўқитиш шароити.	Жиҳозланган..... устахона.
Қайта алоқанинг усул ва воситалари.	Назорат, бажарилган ишларни текшириш, оғзаки савол – жавоб, ҳисобот, ва бошқалар.

## Ўқув амалиёт машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Таълим олувчи
1-босқич. Ўқув машғулотга кириш (...дақ)	<p>Ташкилий қисм:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Таълим олувчиларнинг давоматини текширади.</li> <li>2. Таълим олувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини назорат қилади.</li> <li>3. Амалий машғулот номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижалар билан таништиради.</li> <li>4. Амалий машғулотнинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.</li> <li>5. Хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилишни эслатади.</li> </ol>	<p>Машғулотга тайёргарлик кўрадилар.</p> <p>Амалиётга хавфсизлик техникаси, санитария ва гигиена талабларига риоя қилган ҳолда махсус кийимда келади.</p> <p>Хавфсизлик техникаси журналига имзо қўядилар.</p> <p>Тинглайдилар.</p>
2-босқич. Асосий (... дақ)	<p>Кириш йўриқномаси (50 дақ). Ўқувчилар билимини фаоллаштириш:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тезкор-сўров: савол-жавоб, ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштиради.</li> </ol> <p>Янги ўқув материал баёни:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>2. Ўқув амалиёти мавзуси бўйича умумий маълумот беради, иш жараёнини тушунтиради;</li> </ol> <p>Жорий йўриқнома (135 дақ). Янги ўқув материал бўйича амалий машқ бажариш.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>3. Таълим олувчиларни иш жойларига тақсимлаб амалий иш юзасидан йўриқномали технологик харита (-илова) ҳамда мустақил иш бажариш учун ҳом-ашё тарқатади ва кўрсатмалар беради.</li> <li>4. Мустақил ишларни бажарилишини мақсадли айланиш вақтида назорат қилади ва иш жараёнида ўқувчилар томонидан кўйган хатоларни кўрсатади.</li> </ol> <p>Яқуний йўриқнома (15 дақ):</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>5. Машғулот тугаганидан сўнг иш жойларини талаб даражасига келтиради. Тайёрланган маҳсулотни қабул қилади.</li> </ol>	<p>Саволларга жавоб беради.</p> <p>Тинглайдилар, чизадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Таълим олувчилар ўз иш жойларига турадилар, машғулот раҳбари кўрсатмалари ва йўриқли технологик харитага риоя қилган ҳолда бажарадилар.</p> <p>Хатоларни тўғирлайдилар.</p> <p>Фойдаланилган жихозларни машғулот раҳбарига топширадилар. Иш жойини тозалайдилар.</p>
3-босқич. Яқуний (... дақ)	<p>Яқунлаш:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқувчиларни амалий машғулот бўйича баҳоларини эълон қилади (-илова);</li> <li>2. Келгуси касбий фаолиятларида амалиётда бажарган ишларининг аҳамияти ва муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади,</li> <li>3. Келгуси машғулот мавзуси билан таништириб уйга вазифа беради (-илова).</li> </ol>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

*Ўқув амалиёт машғулотининг технологик харитасининг иловалари келтирилади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**\_\_\_\_\_ касбий таълимни ривожлантириш ва  
мувофиқлаштириш худудий бошқармаси**

Профессионал таълим муассасаси номи

Фан ёки модул номи

**МАВЗУЛАР ТЎПЛАМИ**

Кафедра номи

Ўқитувчи ёки ИЧТУсининг исми шарифи

20\_ -йил

**Йўриқли технологик харита**  
(ўқув амалиёти учун)

Касб коди ва номи: \_\_\_\_\_

Ўқув амалиёт номи: \_\_\_\_\_

Мавзу №: \_\_\_\_\_

Мақсад: \_\_\_\_\_

№	Бажариладиган ишлар мазмуни	Мосламалар, асбоблар ва хом-ашёлар	Эскизлар, чизмалар, расмлар	Бажариш тартиби
1.				
2.				

**Ўқитиш материаллари тўпламини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш киритилган ҳужжатларини расмийлаштирилиши**

Таълим муассасасининг номи \_\_\_\_\_

Ўқув фанининг номи \_\_\_\_\_

Ўқув йили	Ўзгартиришлар ва қўшимчалар	Кафедра йиғилиши баённома рақами ва сана, кафедра мудирининг имзоси	Тасдиқланди _____ директор ўринбосари имзоси ва тасдиқланган сана

*Изоҳ: 1. Кафедра йиғилишининг баённомасидан кўчирма ўқув методик ҳужжатлар пакетида сақланади*

*2. Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари тасдиқлайди*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

\_\_\_\_\_ касбий таълимни ривожлантириш ва  
мувофиқлаштириш худудий бошқармаси

\_\_\_\_\_ (таълим муассасасининг тўлиқ номи)

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

\_\_\_\_\_ директори  
(таълим муассасасининг номи)

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_ фанидан  
(фаннинг номи)

**ЎҚИТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тайёрлов йўналиши \_\_\_\_\_

Касб ёки мутахассислик номи \_\_\_\_\_

Ўқитиш материаллари \_\_\_\_\_  
(таълим муассасаси)

Педагогик кенгашининг 20\_\_ йилдаги “——” -сонли йиғилишида ўқув  
жараёнига қўллашга тавсия этилди.


Ўқитиш материаллари тўпламини фанлар кафедрасининг 20\_\_  
йилдаги “——” -сонли йиғилишида муҳокама этилди ва маъқулланди.

**Кафедра мудири:** \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

**Ўқитувчи (ишлаб чиқариш таълими устаси)** \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

20\_\_ йил

**Тўпламнинг муаллифи тўғрисида маълумот**



**Ўқитувчининг Ф.И.Ш.** \_\_\_\_\_

**Маълумоти** \_\_\_\_\_

**Мутахассислиги** \_\_\_\_\_

**Педагогик иш стажи** \_\_\_\_\_

**Иш жойи** \_\_\_\_\_

**Электрон почта манзили** \_\_\_\_\_

**Телефон рақами** \_\_\_\_\_



**Ўқитиш материаллари тўплам кўриниши (дизайн)**  
 (“Асаларичилик” (амалий машғулотлар учун) ва “Токарлик станокларида  
 металларга ишлов бериш (назарий машғулотлар учун)” фанлари мисолида  
*PDF шаклда*)

**Ўқитиш материаллари тўплам таркиби**

<b>№</b>	<b>Тўплам таркиби</b>	<b>Шакли</b>
1.	Тақвим-мавзулар режаси	Жадвал
2.	Фаннинг таълим технологияси	Нусха (PDF)
3.	Мавзулар тўплами	Ёзма+ (CD Word)
4.	Баҳолаш воситалари	Матн, жадвал
5.	Визуал-дидактик ресурслар	

*Изоҳ: Ўқув материаллари тўплами электрон шаклда тўлиқ, тайёрланади ва унга кўرғазмали қурооллар (плакатлар, слайдлар, чизмалар, макетлар, моделлар ва бошқалар) киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маъруз таълим вазирининг  
2020 йил 09 даги 465 сонли  
буйруғига 2-илова

**Ўқув материаллари яратилиши масалаларини мувофиқлаштирувчи  
ишчи гуруҳ, таркиби**

№	ФИШ	Лавозими
1.	З.Худайбердиев	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори, ишчи гуруҳ раҳбари
2.	С.Қаххаров	Вазирлик, Ахборот таъминоти, ўқув дастурлари ва адабиётларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	Ш.Шарофаддинов	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директор ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
4.	У.Мусаева	Вазирлик, Ахборот таъминоти, ўқув дастурлари ва адабиётларини ишлаб чиқиш бўлими етакчи мутахассиси, аъзо
5.	Д.Рўзиев	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директор ўринбосари, аъзо
6.	Б.Шойкулов	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Ўқув-методик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, аъзо
7.	А.Мамадиев	Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бошқармаси бошлиғи, аъзо